

## Талаба ёшлар билан учрашув

2021 йил 22 январь куни соат 10:00 да ТИҚХММИ фаоллар залида “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети 1-курс талаба ёшлари билан Институт Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р.Чориев учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни “СХТЭ ва Б” факультети декани Р.Хакимов кириш сўзи очиб бериб, талабаларни институт ички тартиб-қоидалари, муомала, кийиниш маданияти ва талаблар ҳақида талабаларга ҳаётий мисоллар билан тушунтириш ва тавсиялар бериб ўтди.



Институт проректори Р.Чориев 1-курс талабаларини институтда ёшларга яратилган шароитлар ва уларнинг ҳар томонлама камол топиши ва билим олишлари учун яратилган қулай шароитлар ҳақида тўхталиб ўтиб, талабаларни институт ҳаётида фаол бўлишга чақирди. Учрашувда талабалар томонидан ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича атрофлича жавоб олдилар. Шунингдек, фаол талабалар ўзларининг таклиф ва мурожаатлари билан ўртоқлашдилар. Учрашув қизғин савол-жавоблар руҳида ўтди.

ТИҚХММИ матбуот хизмати